



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Mavluda Shuxratjon qizi Nishonova Boshqaruv samaradorligini oshirishda sun’iy intellekt imkoniyatlaridan foydalanishning nazariy asoslari	150
Askar Axrorovich Siddikov, Islomjon Umrzoq o‘g‘li Yovqochov Yashil mehmonxona va restoranlar: ekologik boshqaruv va barqarorlik	154
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шохида Ильясовна Артикова, Дилноза Наврузовна Султонова Реальные инвестиции как фактор повышения развития экономики страны	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Xurshida Abdumalikovna Karjavova Sug‘urta xizmatlari bozorini takomillashtirishda zamonaviy texnologiyalardan foydalanish yo‘llari	161
Alisher Komilovich Baxadirov O‘zbekistonda lizing oluvchilarni ijara muomalalari hisobining amaldagi holatini barqarorlashtirish yo‘llari	167
Faridun Mustafoyevich Tursunov Tijorat banklarida innovatsion masofaviy bank xizmatlarini tashkil etishning ahamiyatli jihatlari	172
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Инсон ресурслари аналитикаси (таҳлили) фанининг вазифаларига оид фикрлар	177
Tolmasjon Namoz o‘g‘li Qurbonov “Yashil iqtisodiyot”ning iqtisodiy samaradorligini baholash tahlili	182
Otabek Olimjonovich Sobirov Boshqaruv hisobida sifat nazoratini tashkil etish va takomillashtirish	190
Бобур Фарходович Боронов, Дилноза Гафуровна Худайназарова Корхоналарда даромад ва харажатлар таснифини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	192
Sirojiddin Haydarovich Shermamatov Uzoq muddatli aktivlar hisobi va auditini tashkil etishning muammo va istiqbollari	200
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Азимжон Фаррухович Мустафоев Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар ҳисобини такомиллаштириш	205
To‘lqin Mardiyev, Azizbek Gafurov Qardosh bo‘lmagan tillarda iqtisodiy idioma va frazeologiyalarning leksik-semantik xususiyatlari	212
Хилола Нематовна Очилова Камбағалликни қисқартиришда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамияти	215
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Каршибаевич Пардаев 1. Энг зарур тиббий ўғитлар. 2. Онкологлар энди мени кечиришмайди. бутун дунё топмаган дардимга, биргина мева даво бўлди!!	219

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

Азимжон Фаррухович Мустафоев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис интитути таянч докторанти

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархига бевосита таъсир этувчи харажатлар, жумладан моддий харажатлар ҳисобининг амалдаги ҳолати, моддий харажатларни ҳисобда акс эттиришга оид счётлар режаси бўйича тавсиялар, шунингдек нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида янги счётлар режасини юритишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: нодавлат таълим ташкилотлари, таълим хизматлари, таълим хизматлари таннархи, бевосита моддий харажатлар, билвосита моддий харажатлар, меҳнат ҳақи харажатлари, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

Кириш. Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасида таълим тизимига кенг имкониятлар, уларнинг фаолиятларини амалга оширишлари бўйича қулай шарт-шароитлар очиб берилмоқда. Бундай ислохотлар жумласига нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини яққол мисол тариқасида айтишимиз мумкин. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда нодавлат таълим ташкилотларида малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини ошириш, унда ёш кадрларни жалб этиш мақсадида “Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича инновацион малака ошириш ресурс марказини, шунингдек Бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар бўйича нодавлат малака ошириш ресурс марказини ташкил этиш. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ўқув дастурлари ва ўқитувчиларни халқаро ташкилотларнинг аккредитациясидан ўтказишга тайёрлаш доирасида юқоридаги олий таълим муассасаларининг ҳар бирига 2022 йилда 100 миллион сўмдан маблағ ажратиш”¹ бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Мазкур чора-тадбирларга мувофиқ, бугунги кунда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари нодавлат таълим ташкилотларида ҳам уларнинг фаолиятларини халқаро тажрибаларга мувофиқлаштириш, ёш кадрларни халқаро доирада малакасини ошириш вазифалари кўндаланг қўйилган бўлиб, нодавлат таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ ҳолда ташкил этиш, даромад ва харажатлар ҳисобининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш, аудитнинг халқаро стандартларини ушбу ташкилотлар амалиётига кенг қўллаш ҳамда ушбу масалалар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш бугунги куннинг долзарб ҳамда энг муҳим вазифаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий манбаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига бевосита ва билвосита харажатлар таъсир кўрсатиши қайд қилинган бўлиб, ушбу харажат турларига қуйидагича таъриф берилган: “бевосита харажатлар – бу маълум турдаги маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига ишончли ҳамда тўғридан-тўғри олиб борилиши мумкин бўлган харажатлар бўлиб, аниқ ҳисоб объектига тегишли бўлади; билвосита харажатлар эса, ҳар қандай турдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 25 июнь. ПҚ-5161.

маҳсулотни ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган қўшимча харажатлар ҳисобланиб, ушбу харажатлар танланган усулга мувофиқ ҳолда тақсимланади”¹. Демак, халқаро тажрибаларга мувофиқ, маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига олиб бориладиган харажатлар ўз навбатида икки гуруҳга, яъни бевосита ва билвосита харажатларга ажратилган ҳолда бухгалтерия ҳисоби юритилади.

Ушбу бевосита харажатларга моддий ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари кириб, “бевосита моддий харажатлар деганда маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материалларни харид қилиб олиш харажатлари тушунилади; бевосита меҳнат ҳақи бўйича харажатлар эса, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадиган ишчиларга тўланадиган иш ҳақи харажатларидир”².

Олиб борилган тадқиқотлар давомида хорижий олимлар томонидан ушбу тадқиқот йўналиши бўйича келтирилган таъриф ва тавсифларни тадқиқ этдик. Жумладан хорижий олимлар Р.Хермансон ва бошқа олимлар “Кўпгина корхоналар бир турдаги ёки унга ўхшаш турдаги маҳсулотларни доимий тарзда ишлаб чиқарадилар. Ушбу жараёнда амалга оширилган харажатларни ҳисоб-китоб қилиб борадилар. Корхоналарда бундай турдаги операциялар бухгалтерлар томонидан бухгалтерия ҳисобида ҳар бир жараён ҳамда ҳар бир бўлим бўйича ҳисобга олиниши зарур. Натижада ҳисобот оyi охирида сарфланган барча харажатлар ушбу даврда ишлаб чиқарилган бирликларга тақсимланади ва таннарх аниқланади.”³, деб таъкидлашадилар. Демак, олимларнинг фикрича, корхоналарда таннарх ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими ва уларда амалга ошириладиган жараёнлар бўйича алоҳида аниқланиши лозим.

К.Друрининг “ишлаб чиқариш таннархи – бу қайта сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан аниқланган харажатлар”⁴, деб изоҳлайди. Инглиз олимнинг таъкидлашича, ушбу товар сифатида эътироф этилган тайёр маҳсулотлар реализация қилинмагунча ушбу харажатларни бухгалтерия ҳисобида тан олиб бўлмайди. Корхонада тайёр маҳсулотлар сотилгандан кейин корхона ялпи фойдасини аниқлаш мақсадида ушбу харажатлар сотишдан тушган даромадлар билан солиштирилади.

М.А.Вахрушина маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилиш жараёнини бошқарув ҳисобининг энг бўғини сифатида қарайди. Унинг эътироф этишича, “маҳсулот таннархи – бу уни ишлаб чиқариш ва сотиш учун пул шаклида ифодаланган харажатлар. Корхоналарда маҳсулот ва хизматлар таннархи ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулот ва хизматлардан табиий ресурслар, хом ашё материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлардан иборат”⁵. Хорижий олимнинг фикрича, маҳсулот таннархи бу сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий-хўжалик фаолиятига, уларнинг фойда ва зарарларига таъсир кўрсатади.

Ю.С.Зиновьева эса, нодавлат таълим ташкилотларида молиявий натижаларни ҳисобга олишнинг хусусиятлари, хусусан нодавлат таълим ташкилотларида харажатларга оид кўрсаткичларнинг молиявий натижаларга таъсири, таълим хизматлари таннархига харажатларни олиб боришнинг ўзига хос жиҳатлари, тартиб-қоидалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борган бўлиб, таълим хизматлари таннархини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар бериб ўтган⁶.

Хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари ўз даврида ва ҳуду-

¹ <https://glavkniga.ru/situations/s505418>

² <https://entersoft.com.vn/en/tai-chinh-ke-toan/chi-phi-san-xuat-la-gi#:~:text=General%20production%20cost%20refers%20to,management%2C%20maintenance%2C%20and%20more.>

³ Hermanson, Edwards, and Ivancevich. Accounting Principles: Managerial Accounting. A Textbook Equity Open College Textbook. 2011, 944 pages. https://textbookequity.org/Textbooks/TBQ_PA_Accounting_managerial.pdf

⁴ Drury C. Management and Cost Accounting, 10th Edition Colin Drury. Annabel Ainscow. ISBN: 978-1-4737-4887-3. 2017.

⁵ Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / М.: Издательство «Омега-Л», 2010. – 570 с.

⁶ Зиновьева Ю.С. Совершенствование системы бухгалтерского учета в негосударственных образовательных учреждениях в условиях реформирования системы образования. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ростов-на-Дону: 2007. 170-с.

дида муҳим ҳисоблансада, бироқ бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, нодавлат таълим ташкилотлари структурасининг такомиллашиши бўйича хусусиятлар инобатга олинган ҳолда ҳамда замонавий ёндашувлар асосида нодавлат таълим ташкилотларида хизматлар таннархини ҳисоблаш зарурияти мавжуд, деб ҳисоблаймиз.

А.И.Алиқулов томонидан қуйидагича таъриф берилган: “таннарх – корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг барча томонлари ва унинг фаолиятининг самарадорлигини характерловчи синтетик, умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш муҳим бўлиб, бу ҳар бир маҳсулот бўйича корxonанинг оладиган фойдасини тўғри аниқлашга олиб келади. Шунинг учун маҳсулот таннархига бевосита тегишли бўлмаган харажатларни қўшилишига йўл қўймаслик лозим”¹.

А.Х.Маматқулов “таннархни калькуляциялаш дейилганда кўрсатилган уй-жой коммунал хизматларининг таннархини ҳисоблаб чиқиш тушунилади. Калькуляция маълумотлари коммунал хизматнинг ҳақиқий таннархи, товар моддий захиралар айланмаси, меҳнат ва моддий ресурслар учун харажатларни узлуксиз пасайтириш, коммунал хизмат кўрсатиш рентабеллигини эса, ошириш йўллари аниқлаштиришга ёрдам беради. Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари учун алоҳида иш турлари, асосий ва ёрдамчи хизмат кўрсатиш, технологик жараёнлар калькуляция объекти ҳисобланади”², деб таъкидлайди.

Тадқиқот методологияси. Нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархини аниқлашда моддий харажатларнинг аҳамияти, улар ҳисобини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот ишимизда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотлар давомида нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматларини кўрсатиш таннархига таъсир кўрсатадиган объектлар бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, нодавлат таълим ташкилотлари амалий маълумотлари асосида аниқландики, таълим хизматларини кўрсатиш таннархига моддий ва меҳнат ҳақи харажатлари бошқа харажатларга нисбатан каттароқ ҳиссани ташкил этади. Таълим хизматлари таннархига таъсир кўрсатадиган бевосита ва билвосита моддий харажатлар моддаларини белгилаб олиш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисобда тан олиш мақсадида ушбу харажатларни гуруҳларга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисобини юритиш лозим, деган хулосага келинди.

Хорижий адабиётларда моддий харажатларни икки гуруҳга таснифланган ҳолда ҳисобини юритиш бўйича қоидалар келтирилган бўлиб, булар асосий ишлаб чиқариш материаллари ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш материаллари³. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлашда ушбу тартиб-қоидалар муҳим ҳисобланади.


Юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархига таъсир кўрсатадиган моддий харажатларни биз ҳам хорижий тажрибаларга мувофиқ икки гуруҳга ажратган ҳолда бухгалтерия ҳисобида ҳисобини юритишни тавсия этдик. Ушбу гуруҳлар бўйича моддаларни қуйидаги расм орқали кўриб чиқамиз (1-расм):

Юқорида келтирилган расм маълумотлари асосида кўриш мумкинки, нодавлат таълим ташкилотларида материаллар ҳисоби ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, тадқиқотлар давомида ушбу материаллар 2 гуруҳга, яъни бевосита сарфланадиган материаллар ва билвосита сарфланадиган материаллар ажратилди.

¹ Алиқулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”. -2011, 188 б., 16-бет.

² Маматқулов М.Ш. Коммунал хизмат кўрсатиш тизими корхоналарида бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодийёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. .Т.: 2021 й., 254-б. 169-170-бетлар.

³ Drury C. Management and Cost Accounting, 10th Edition Colin Drury. Annabel Ainscow. ISBN: 978-1-4737-4887-3. 2017.



1-расм. Нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархига таъсири бўйича материаллар гуруҳи¹

Нодавлат таълим ташкилотларида бевосита материаллар қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали тўғридан-тўғри таълим жараёнларига топширилади. Шунинг учун, нодавлат таълим ташкилотларида ушбу бевосита материаллар сарфи айнан ўша таълим фаолияти бўйича тўғридан-тўғри таълим хизматлари таннархига олиб борилади. Бундай материаллар таркибига таълим олувчиларга бериладиган сумка, ручка, қалам, қоғоз, албом каби ўқув қуроллари, таълим-тарбия бериладиган хоналарида фойдаланиш учун топшириладиган турли хил қоғозлар, доска учун бўрлар, ранглаш учун бўёқ ва бўяш чёткалари каби ўқув буюмлари киради.

Билвосита сафрланадиган материаллар нодавлат таълим ташкилотининг умумишлаб чиқариш хўжалиги таркибига кирадиган ошхона, таъминот, тиббиёт, назорат бўлимларида фойдаланиладиган материаллар киради. Ушбу материаллар харажатларга тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита усулда таъсир кўрсатиб, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибига бухгалтерия ҳисобидан ҳисобга олинади ҳамда ҳисобот ойининг охирида таълим хизматлари таннархига олиб борилади. Нодавлат таълим ташкилотларида билвосита харажатлар таркибига ошхона бўлимида овқат тайёрлаш учун сарфланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, идиш-товокларни ювиш учун геллар ва кукунлар, совунлар, санитария тозалаш маҳсулотлари каби ноозиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт бўлимига топшириладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, таъминот бўлимига қарашли автотранспорт воситаларига сарфланадиган ёқилғилар киради.

Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар бўйича ушбу тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда ушбу тармоқ ташкилотлари бухгалтерия ҳисобида материалларни ҳисобда ёритиш алоҳида ёндашувларни талаб қилади. Шу боис, тадқиқотларимиз давомида таълим хизматларини кўрсатиш таннархи таркибига салмоқли ўрин эгаллайдиган ушбу моддий харажатларга оид 21-сон БҲМСда ишлаб чиқилган счётлар режасини қуйидаги тартибда ўзгартиришни тавсия этдик (1-жадвал):

Биз томонимиздан тавсия этилган мазкур счётлар тизими нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга ҳамда харажатлар ҳисобини юритишда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

1-жадвал

Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар режаси бўйича тавсиялар¹

21-сон БҲМСга мувофиқ		Тавсиялар	
1000	Материалларни ҳисобга олувчи счётлар	1000	Маҳсулот ва материалларни ҳисобга олувчи счётлар
1010	Хом-ашё ва материаллар	1010	Бевосита материалларни ҳисобга олувчи счётлар
		1011	Ўқув-куроллари
		1012	Ўқув буюмлари
1013	Бошқа бевосита сарфланадиган материаллар		
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	1020	Билвосита материалларни ҳисобга олувчи счётлар
		1021	Озиқ-овқат маҳсулотлари
		1022	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари
		1023	Дори воситалари
		1024	Тиббий буюмлар
		1025	Ёқилғилар
1026	Бошқа билвосита сарфланадиган материаллар		
1030	Ёқилғилар	1030	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида нодавлат таълим ташкилотларининг моддий кўринишдаги харажатларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича юқорида ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсияларимизни нодавлат таълим ташкилотларининг амалий маълумотлари асосида кўриб чиқамиз:

2-жадвал

“Истиқболли Таълим” нодавлат таълим ташкилотида моддий харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича тавсия этилган счётлар режаларининг кўлланилиши²

2024 йил сентябрь ойида, минг сўмда

Т/р	Бухгалтерия операциялари	Бухгалтерия ёзувлари		Харажатлар микдори
		Дебет	Кредит	
Амалга оширилган моддий харажатлар				
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари ошхона бўлимига топширилди	2510	1021	275 331
2	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ошхона бўлимига топширилди	2510	1022	45 200
3	Дори воситалари тиббиёт бўлимига топширилди	2510	1023	13 622
4	Ўқув куроллари ўқув жараёнларига қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали топширилди	2010	1011	6 482
5	Тиббиёт бўлимига сарфланган тиббий	2510	1024	1 051

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	буюмлар ой охирида харажатларга берилди			
6	Ўқув буюмлари ўқув жараёнларига топширилди	2010	1012	4 960
7	Таъминот бўлимига сарфланган ёқилғилар харажатларга берилди	2510	1025	6 334
8	Бошқа бевосита сарфланадиган материаллар харажатларга берилди	2010	1013	1 360
9	Назорат бўлимига сарфланган бошқа билвосита материаллар харажатларга берилди	2510	1026	840
Жами амалга оширилган моддий харажатлар				314 480

* 1011, 1012, 1013, 1021, 1022, 1023, 1024, 1025 ва 1026-счётлар номи 1-жадвалда ифодаланган.

Биз томонимиздан тавсия этилган счётлар тизимининг бухгалтерия ҳисобида юқорида келтирилган тартибда қўлланилиши нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари таннархини ҳисоблашга муайян даражада қўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритишда маълум муаммолар мавжудлиги тадқиқот давомида аниқланди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида хорижий тажрибаларга мувофиқ нодавлат таълим ташкилотларида моддий харажатлар икки гуруҳга ажратилди. Шунингдек, таълим хизматларини кўрсатиш таннархи таркибида салмоқли ўрин эгаллайдиган ушбу моддий харажатларга оид янги счётлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда ушбу ўзгаришларни 21-сон БХМС таркибига киритиш бўйича илмий-амалий тавсиялар келтирилди. Шунингдек, биз томонимиздан тавсия этилган счётлар режасининг бухгалтерия ҳисобида юритилиши нодавлат таълим ташкилотлари амалий маълумотлари асосида ёритилди. Тадқиқот ишимизда берган тавсияларимиз қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ушбу ташкилотларда харажатлар ҳисобини бошқариш ҳамда таълим хизматлари таннаҳини тўғри ҳисоблаш мақсадида моддий харажатлар таркиби белгилаб олинди. Бунга сабаб, бугунги кунда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан амалда фойдаланиб келинаётган хом-ашё ва материалларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлар режаси ташкилотнинг маҳсулот ва материаллари бўйича маълумотларни умумий тарзда ёритябди.

Иккинчидан, тадқиқотлар давомида эришилган ушбу натижалар асосида материаллар ҳисобига оид бухгалтерия ҳисоби счётлар тизими бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, 21-сон БХМСда амалда бўлган 1010-“Хом-ашё ва материаллар” ҳамда 1020-“Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар” счётлар тизими ўз навбатида 1010-“Бевосита материалларни ҳисобга олувчи счётлар” ҳамда 1020-“Билвосита материалларни ҳисобга олувчи счётлар” бўйича гуруҳларга қайта таснифланди.

Учинчидан, таълим хизматлари таннархига олиб бориладиган бевосита ва билвосита харажатларни ҳисобга олишга имконият берадиган счётлар режасининг биз томонимиздан тавсия этилган шакллари нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар бухгалтерия ҳисобини юритишга, бошқарув ходимлари учун ишлаб чиқиладиган ҳисоботларни такомиллаштиришга, ушбу бошқарув ҳисобот шаклларининг ахборот имкониятини кенгайтиришга имконият беради, деб ҳисоблаймиз.

Биз томонимиздан эришилган ушбу натижалар бухгалтерия ҳисобини илмий-назарий томондан такомиллаштиришга, шунингдек нодавлат таълим ташкилотларида харажатлар ҳисобини тўғри юритишга, уларни бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботда аниқ ва тизимли акс эттиришга, таълим хизматлари таннархини аниқлашга

амалий томондан кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида ёшлар учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2021 йил 25 июнь. ПҚ-5161.
2. Hermanson, Edwards, and Ivancevich. Accounting Principles: Managerial Accounting. A Textbook Equity Open College Textbook. 2011, 944 pages. https://textbookequity.org/Textbooks/TBQ_PA_Accounting_managerial.pdf
3. Drury C. Management and Cost Accounting, 10th Edition Colin Drury. Annabel Ainscow. ISBN: 978-1-4737-4887-3. 2017.
4. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / М.: Издательство «Омега-Л», 2010. – 570 с.
5. Зиновьева Ю.С. Совершенствование системы бухгалтерского учета в негосударственных образовательных учреждениях в условиях реформирования системы образования. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Ростов-на-Дону: 2007. 170-с.
6. Аликулов А.И. Харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда амалий масалалари. Монография. –Т.: “Fan va texnologiya”. -2011, 188 б., 16-бет.
7. Маматкулов М.Ш. Коммунал хизмат кўрсатиш тизими корхоналарида бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. .Т.: 2021 й., 254-б. 169-170-бетлар.
8. <https://glavkniga.ru/situations/s505418>
9. <https://entersoft.com.vn/en/tai-chinh-ke-toan/chi-phi-san-xuat-la-gi#:~:text=General%20production%20cost%20refers%20to,management%2C%20maintenance%2C%20and%20more.>

<p>А.Мустафоев</p> <p>Совершенствование учета материальных затрат в негосударственных образовательных организациях</p> <p>Аннотация. В статье рассматриваются современное состояние учета материальных затрат, в том числе затрат, непосредственно влияющих на себестоимость образовательных услуг в негосударственных образовательных организациях, рекомендации по плану счетов бухгалтерского учета по отражению материальных затрат в бухгалтерском учете, а также особенности деятельности негосударственных образовательных организаций, разрабатываются рекомендации по совершенствованию ведения нового плана счетов бухгалтерского учета в негосударственных образовательных организациях.</p> <p>Ключевые слова: негосударственные образовательные организации, образовательные услуги, стоимость образовательных услуг, прямые материальные затраты, косвенные материальные затраты, затраты на оплату труда, бухгалтерский учет, финансовая отчетность.</p>	<p>A.Mustafoyev</p> <p>Improvement of accounting for material expenses in non-state educational organizations</p> <p>Abstract. The article discusses the current state of accounting for material costs, including the costs that directly affect the cost of educational services in non-governmental educational organizations, recommendations on the chart of accounts for reflecting material costs in accounting, as well as the specific aspects of the activities of non-governmental educational organizations, and develops recommendations for improving the maintenance of a new chart of accounts in the accounting of non-governmental educational organizations.</p> <p>Keywords: non-governmental educational organizations, educational services, cost of educational services, direct material costs, indirect material costs, labor costs, accounting, financial reporting.</p>
---	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.